

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 154 (10.207)

2004 ЙИЛ 11 АВГУСТ

АФИНА ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН XXVIII ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТАДИГАН ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!
Муҳтарам спорт мураббийлари!
Аваламбор, сизларни, сиз орқали Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларини дунёдаги энг нуфузли халқаро мусобақа — Олимпия ўйинларида иштирок этиш бахтига муяссар бўлганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Бугун сиз мустақил Ўзбекистон Республикаси шарафини ҳимоя қилиш учун икки юздан зиёд давлатнинг 16 мингдан ортиқ энг кучли спортчилари иштирок этадиган халқаро Олимпия мусобақаларига йўл олмоқдасиз.

Сизларнинг куч-қувват, ғайрат ва шижоат акс этган навқирон қоматингизга, ғалаба иштиқи билан чакнаб турган кўзларингизга боқиб, юртимиз фарзандларининг ҳеч қимдан кам эмаслигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз. Жаҳон миқёсидаги беллашувларда вакилларимиз эришадиган катта ғалабалар ҳам ушбу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.

Табиийки, бундай зафарларни қўлга киритишда миллат ва халқни бирлаштирадиган, мамлакатни дунёга машҳур этадиган спорт соҳасига кейинги йилларда қараш ва эътиборимизнинг тубдан ўзгаргани, барқарор авлод тарбияси йўлидаги узоқни кўлаб амалга оширадиган улкан ишларимиз мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун жаҳон аҳлининг нигоҳи қадалган Афина шаҳрига — кескин ва ҳаяжонли курашлар майдони сари йўл олаётган сиз, олимпиадчиларимиз тимсолида ҳам ана шу сайёҳ-ҳаракатларимизнинг амалий самарасини кўриб турибмиз, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз.

Олимпиадада нафақат ғолиб бўлиш, балки унда иштирок этишнинг ўзи ҳам катта бахт, деган фикрда теран маъно бор. Бу нуфузли спорт ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ҳар бирингиз қанчалик тор тўқиб, тинимсиз машқ қилганингизни, бу йўлда қийинчиликларни мардлик ва матонат, мустаҳкам ирода билан енгиб ўтганингизни минглаб муҳлисларингиз, жамоатчилигимиз яхши билади.

Олимпиада — нафақат спорт беллашувлари, айтиш пайтда ҳар бир халқнинг маънавий ва жисмоний салоҳиятини кўрсатадиган ўзига хос мезондир. Ўйлаймани, сизлар кураш майдонларига чиққанда, қандай муқаддас замин фарзандлари эканингизни, қандай буюк зотларнинг ворислари эканингизни асло унутмайсиз ва уларга муносиб бўлишга, миллионлаб ватандошларимизнинг ишончини оқлашга интиласиз.

Сизларни мардона аждоқларимизнинг руҳлари қўллаб-қувватлайди, халқимизнинг меҳри ва умиди сизларга маддд ва қанот бағишлайди.

Сизлар Олимпиада — беллашувларида халқимизга хос жасорат ва шижоат, ҳалоллик ва фидойилик фазилатларини яна бир бор намойён этасиз, жонажон Ўзбекистонимизнинг байрогини янада баланд кўтариб, юртимизнинг шон-шўхратини бутун дунёга тараннум қиласиз, деб ишонаман.

Бугун сизларни масъулиятли сафарга кузатар эканмиз, ҳаммангизни Ватанга, оилангиз бағрига соғ-саломаат, ёруғ юз билан қайтишингизни тилаб қоламан.

Барчангизга омад ва зафарлар ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



ОМАД ЁР БЎЛСИН, ОЛИМПИАДАЧИЛАР!

Греция пойтахтида ўтажак XXVIII ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этадиган спортчилар ва мураббийлардан иборат Ўзбекистон делегацияси 10 август кuni Афина шаҳрига жўнаб кетди.

Шу муносабат билан Тошкент аэропортида бўлиб ўтган кузатиш маросимида ҳукумат аъзолари, спортчиларнинг ота-оналари, мураббийлар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирни Ўзбекистон Миллий Олимпия Қўмитасининг раиси Р.Қурбонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спортчиларига табригини Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Тадбирда мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантириш ва омаллаштиришга катта эътибор қаратилаётгани туфайли юртдошларимиз жаҳон спорт майдонларида юксак муваффақиятларга эришадигани алоҳида таъкидланди. Афинада ўтажак Олимпиада ўйинларида ҳам вакилларимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишларига шубҳа йўқ.

Спортчиларимизнинг Олимпиадада қўлга кирита-



жак ғалабалари энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик айёми арасида халқимизга муносиб тўхфа бўлади, деди стол теннис бўйича Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси аъзоси Манзура Иноятова. Зеро, Олимпиададек нуфузли мусобақаларда иштирок этиш мамлакатимиз йигит-қизлари учун истиклол берган улкан имкониятдир.

Афинада ўтажак ўйинларда икки юздан ортиқ мамлакатдан келган 16 мингдан зиёд иштирокчи спортнинг 28 тури бўйича беллашади.

Ўзбекистоннинг етмишга яқин вакили 15 спорт тури бўйича Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бosh вазира Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Бошбур СОБИРОВ,
ЎЗА мухбири.

XXI саҳоси

Барча малбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• Тошкент вилояти ҳокимлигида шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари раислари учун семинар машғулотлари бошланди. Бир ҳафта давом этадиган семинарда хотин-қизлар қўмиталари фаоллигини янада ошириш, аёлларни иш билан таъминлаш каби масалалар юзасидан маърузалар тингланади.

• Пахта толаси чиқиндиларидан тиббиёт момиги тайёрлашга ихтисослашган «Ле Уат де Бухоро» Ўзбекистон-Франция қўшма корхонаси маҳсулот турларини кўпайтирмоқда — бу ерда тез орада бир марта ишлатиладиган сочқ ва дастурхонлар ишлаб чиқарилади.

• Андижондаги «Хамкорбанк» акциядорлик-тижорат банкининг кўргазмалар залида Мустақиллик йилларида эришилган ютуқларимиз, халқимизнинг бунёдкорлиги, юртимиз табиати ўз аксини топган тасвирий санъат усталари асарлари намойиш этилмоқда.

• Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арасида Ангренадаги Облик кўргониди йирик болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилади. Уни 22 миллион сўмлик спорт анжонлари билан жиҳозлаш қўзда тутилган.

Жаҳонда

• Аргентинанинг мамлакатга 1989-1999 йилларда раҳбарлик қилган ва ваколат муддати тугаганидан сўнг Чили давлатига қочиб кетган ва коррупцияда айбланаётган собиқ президенти Карлос Менем сентябрда ватанига қайтажиги ва керак бўлса суд олдида жавоб беришга тайёрлигини билдирди.

• Эронлик дипломат — Багдодга Эрон консули сифатида иш бошлаш учун келаётган Фаридун Жаҳоний Багдод яқинида «Ироқ Исрол армияси» жангари гуруҳи томонидан гаровга олинди.

• Буюк Британияда сентябрь ойидан Исрол банки ўз фаолиятини бошлайди.

• Туркиянинг Истамбул шаҳрида қойилган «Pars» ва «Holiday» меҳмонхоналарида содир этилган портлаш натижасида 1 киши ҳалок бўлди ва 8 киши оғир тан жароҳати олди. Полиция ходимлари ушбу портлашларни террорчилик ҳуружлари дея баҳолашди.

• Шанхай университети дунёнинг 500 та энг яхши олий таълим муассасалари рейтингини чоп этди. Унда АҚШнинг Гарвард, Стенфорд ва Беркли университетлари ҳамда Буюк Британиянинг Кембриж университети етакчи ўринларни эгаллаган.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

• **БУГУН** Акмал Икромов туманидаги «Катта Қазнь» маҳалласида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган «Ёзни «Қамолот» билан!» лойиҳаси доирасида кўча оммавий спорт ўйинлари ташкил этилди.

• **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туман ҳоким-

лигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармонини бажариш масаласига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда туман фаоллари иштирок этишди.

• **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде барча факультетлар талабалари магистратура босқичига кириш имтиҳонларини топиришди. Имтиҳонлар тест синовлари асосида ташкил этилди.

• **ЭРТАГА** Ўзбек Миллий академик драма театрида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, ички ишлар ходимлари, маҳаллалар оксоголлари, хотин-қизлар комиссиялари раисалари, маҳаллалар

посбонлари сардорлари иштирокида ўтказиладиган тадбир «Шаҳар ҳудудидида ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш» мавзусига бағишланади.

• **«ҚАМОЛОТ»** ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман бўлими Кенгаши томонидан болажонларнинг ёзги таътил вақтларининг унумли ўтишини таъминлаш мақсадида «Орзулар сари» дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра тумандаги иқтидорли болалар деворга расм чизиш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз хабарларидан.



БЎЛАЖАК САЙЛОВГА БАФИШЛАНДИ

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳузуридаги «Парламент муҳбирлари клуби»нинг навбатдаги йиғилиши бўлди. Унда Марказий сайлов комиссияси, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, олим ва мутахассислар қатнашди. Йиғилиш мазкур институт директори А.Раҳмонов бошқарди.

Мамлакатимизда шу йил декабрь ойида илк бор икки палатали парламентга ўтказилган сайловлар ҳалқимиз ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Йиғилишда сайлов қонунчилигидаги янгиланишлар, илк бор шаклланаётган икки палатали парламентнинг ўзига хос хусусиятлари, бу йилги сайловнинг аввалгиларидан фарқли жиҳатлари, сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари, сайлов жараёнида ошқоралик ва очиқликни таъминлаш, сайлов кампаниясида реклама ва ташвиқотга оид масалаларга эътибор қаратилди.

ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ ВА ДАВР

Миллий матбуот марказида журналистлар давра суҳбати бўлиб ўтди.

Республика оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мазкур тадбирда журналист масъулияти, ахлоқ ва одоби хусусида сўз борди. Уни Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюشمаси раиси Ш.Ғуломов бошқарди.

Яқинда пойтахтимизда содир этилган террорчилик ҳуружлари оқибатида яна бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилди. Террорчилар томонидан амалга оширилган бу ҳунрезлик хусусида дунёнинг кўплаб оммавий ахборот воситалари турлича фикр-мулоҳаза билдирди ва билдирмоқда. Бундай муносабатлар орасида соғлом ва ҳолис фикрлар билан бирга воқеаларни бузиб талқин қилиш ҳоллари ҳам учраб турганини афсус билан таъкидламоқчи бўлди.

Бугунги мураккаб замон журналистлардан огоҳлик билан бир қаторда чуқур масъулият ва юксак одоб-ахлоқни ҳам талаб этмоқда. Захматли соҳа эгалари ҳар қачонгидан ҳам ҳолис, фаол ва дадил бўлишлари лозим. Намойиш қилинаётган кўрсатув, ҳаво мавжларига узатилаётган эшиттириш ва газетлар, журналлар саҳифаларида чоп этилаётган материалларнинг ҳар томонлама пишиқ-пухта ва ҳолис бўлиши учун ҳам ОАВ ходимлари тимимсиз изланишлари, муттасил маҳорат ва тажриба ошириб боришлари талаб этилади.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюشمаси томонидан бу борада амалга оширилаётган ишлар режаси белгиланганлиги.

ЎЗА

Мустақиллик менинг тақдиримда

— Юртимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки пайтлардан оқтисодиётимиз ривожига, унинг асосини ташкил этувчи кичик ва хусусий тадбиркорлик раънақига катта эътибор қаратилди. Бир сўз билан айтганда, тадбиркорликка кенг йўл очилди. Бундан дилида эзгу нияти бор инсонлар бениҳоя мамнун бўлди. Албатта меҳнат қилсанг, интиланг, ниятинг эзгу бўлса буларнинг барчаси амалда ўз исботини топиши аниқ экан. Шу боисдан ҳам мен тадбиркор сифатида яратилган шарт-шароит ва имкониятдан оқилона фойдаланишни ният қилиб, 1997 йилда дастлаб кам сонли ишчилар билан «Супромед» илмий ишлаб чиқариш фирмасини ташкил қилдик.


Асосан тиббиёт соҳасига зарур асбоб-анжомлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонамиз ходимларининг сай-ҳаракатлари боис тиббиётга керакли аппаратларнинг янги турларини ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдик. Корхонамизда ишлаб чиқарилган лазер ва квант аппаратлари, «Поток» номли гальванотерапия анжони, «Супро-дил» комплекс кардиограф компьютерлари, ультрабинаф-

ша нури ёриткичлар чет элда ишлаб чиқарилаётган шу турдаги маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша олади. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, корхонамизда ишлаб чиқарилаётган «Дарсона» аппаратураси сифати ва мураккаб технологик жараёнларни бажара олиши билан россиялик ҳам-

да Ўзбекистон-Ҳиндистон лазер нури билан даволаш марказини очишга муваффақ бўлди. Ҳозирда ҳар йили ушбу марказ семинарларида ходимларимиз қатнашиб, янги тиббиёт ускуналари бўйича тажриба алмашиб қайтмоқдалар. Бундай самарали ишлар ҳукуматимиз эътиборидан четда қолгани йўқ. 2001 йилда хорижлик ҳамкорлар билан фойдали алоқалар ўрнатган корхона раҳбари сифатида «Дўстлик» ордени билан тақдирландим.

Меҳнатнинг самарасини ҳис қилсанг янада шижоатинг ошиб, янги ишларга қўл ургинг келаверади. Мустақиллигимизнинг 13 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз.

Ҳар бир кун қадрли саналган йиллар ва амалга оширилаётган фойдали ишлар тарихимизда муҳрланиб бораверар экан, демек, бу тарих саҳифаларига ёзилиши учун фақат эзгу ишларни амалга оширайлик. Ўзбекистоннинг жаҳонга юз тутишида, албатта тадбиркорларнинг ҳиссаси каттадир. «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрликли маҳсулотларимиз дунё бозорига ўз ўрнига эга бўлаётганлиги ҳам мустақиллик шарофатидандир. Шу боисдан ҳам уни мустаҳкамлаш йўлида ҳар биримиз фаол бўлишимиз лозим.



ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

Собир УБАЙДУЛЛАЕВ, тадбиркор, «Супромед» илмий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, «Дўстлик» ордени соҳиби:

корларимиз эътиборига тушди.

Ҳозирда биз маҳсулотларимизни Россияга экспорт қилишни режалаштирганмиз. Албатта бу ютуқларимизнинг барчаси мустақиллик туфайлидир. 2001 йил «Ташаббус» ташкилотининг шаҳар босқичида қатнашиб ғолибликни қўлга киритдик ва «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлдик. Давлатимиз томонидан тадбиркорларга яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, соҳамиз бўйича хориж мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга ҳаракат қилдик. Ҳиндистоннинг Деҳли ва Индор шаҳарлари-

гунги кунга келиб ҳўжалик субъектларидан ушбу маблағнинг фақат учдан бир қисми ундирилган ҳолос.

Комиссия таркибидаги иш фаолиятида йўл қўйган хато ва камчиликларни учун жойлардаги айрим комиссия иштирокчиларига маъмурий чоралар қўлланилган. Хусусан, тижорат банклари ва давлат солиқ инспекцияларининг 12 нафар мансабдор шахсларига нисбатан фаолиятида йўл қўйилган суътақшлик ва масъулиятсизлик учун тегишли чоралар қўрилган.

лар ҳам аниқланган. Жумладан, Миробод туманида 140 та, Юнусобод туманида 50 та, Чилонзор туманида 119 та, Собир Раҳимов туманида 46 та фаолиятини эндигина бошлаган ҳўжалик субъектлари устидан назорат органлари текширувлар уюштирилган.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳисобот ойларида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси томонидан ўтказилган текширувлар сони 24 тага кўпайган. Таҳлилларга қараганда, бу кўрсаткич асосан қисқа муддатли текширувлар ҳисобида ошган. Бошқарма раҳбари ҳулоасига кўра, бундай текширувлар ўз самарасини бермоқда, яъни уларнинг 100 фоизда қоида бузилишлари аниқланган. Бошқарма томонидан шаҳар газнасига 394 миллион сўм ҳисобланган бўлсада, аммо шу кунга қадар ушбу маблағнинг ҳаттоки учдан бир қисми ҳам ундирилмаган.

Йиғилишда сўзга чиққан Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир Парпиев назорат идоралари томонидан йўл қўйилган камчиликларга эътибор қаратиб, ҳудудий комиссияларнинг энг асосий вазифаси шунчаки текширувларни ташкил этиш ва қоидабузарларга нисбатан чора қўриш эмас, балки биринчи навбатда ушбу жараёнда назорат органлари фаолиятини тартибга келтирган ҳолда мувофиқлаштириш лозим, пироварди мақсад — иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, дея таъкидлаб ўтди.

Ильмира
ЗАЙНУТДИНОВА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ТЕКШИРУВЛАР ТАЪСИРЧАНЛИГИГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Кенгаши шаҳар ҳудудий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов олиб борди. Йиғилишда жорий йилнинг ўтган даврида комиссия томонидан амалга оширилган ишлар ҳисоб қилинди.

текширувлар амалга оширилмаган. Ўтган вақт давомида 8143 та текширув ўтказилган, шу жумладан уларнинг 1853 таси режалар ташқари ташкил этилган. Шундан 85 фоизда ҳўжалик субъектлари томонидан турли кўринишда қоида бузилишлари аниқланган. Бундан ташқари, бевосита солиқ идоралари томонидан амалга оширилган текширувларнинг 90 фоиздан кўпида ҳам камчиликлар қайд қилинган. Натижада бюджетга 15 миллиард сўмга тенг жарима ҳисобланган. Аммо бу-

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳисобот даврининг биринчи ва иккинчи чоракларида тўлиқ асос бўлмаган ҳолда текширувлар режасига Сергели тумани бўйича 36 та, Акмал Икромов тумани бўйича 31 та, Мирзо Улуғбек тумани бўйича 21 та, Ҳамза тумани бўйича 16 та фаолияти тугатилган ёки вақтинча тўхтатилган субъектлар киритилган. Бундан ташқари, ташкил этилганига ҳали бир йил ҳам тўлмаган корхона ёки ташкилотлар текширувларга тортилаётган ҳолат-

ХУШЁРЛИК — ХАЁТ ТАҚОЗОСИ

Шу йил 30 июль кунин пойтхитимизда содир этилган муҳим қўрувчилик ҳаракати халқимизга ато этилган истиқлолимизни қўролмай-диган ғараз ниятли кимсалар қандай бўлмасин эл-юрт тинчлигини бузиш илнжиди эканидан далолат. Бундай тажовузкорона хатти-ҳаракатлардан ғазабланган жамоатчилик вакиллари, кексаю ёшлар жойларда бўлиб ўтаётган йиғилиш ва учрашуларда ушбу воқеага ўз муносабатларини билдираётганлар.

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгашида ҳам ана шундай йиғилиш бўлиб ўтди. Унда жамоатчилик марказлари раислари, фаол нуронийлар, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон муҳофафасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёвуз ниятли кимсалар содир этган қўрувчиликни Ватанга хиёнат деб баҳолади. Юртимиз обрў-эътибори халқаро майдонда тобора ортиб бораётган, мустақиллик ато этган имкониятлар тўғрисида турли жабаҳларда улкан муваффақиятларга эришган халқимиз бунёдкорликлари, истеъдодли йигит-қизларимиз қамолати жажон аҳлини лол қолдираётган бугунги кунда бундай эзгуликлар йўлига тўғаноқ бўлиш, беғуноҳ одамларнинг қонини тўкиши террорнинг асл башарасини яна бир қарра намоён этди. Бу воқеалар халқимизни янада огоҳ ва ҳушёр бўлишга, тинчлик ва тотувликни эъзозлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида ҳамжиҳатликка ундайди.

Мамлакатимиз Президент таъкидлаганларидек, ҳар биримиз ўз уйимиз, ўз юртимиз тинчлиги ва осойишталиги учун ўзимиз курашмоғимиз зарур. Айниқса, ёшларни турли зарарли оқимлар таъсиридан асраш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари, балки барча жамоат ташкилотлари вакиллари олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир.

ЎЗА

— Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, мустақиллик байрами Ўзбекистон аталмиш гузал ва қадимий, бетакрор ва табарруқ заминда яшаётган ҳар бир инсон, Ватанимизнинг ҳар бир фарзанди учун муътабар байрамга айланган, — дейди З.Бобокалонов.

— Бу йил эл-юртимиз озодлик ва эркинликка эришган шу муқаддас кунини ўн учинчи бор нишонлаётимиз.

Неча-неча аждодларимиз асрлар давомида орзу қилиб яшаган истиқлол халқимизга юксак парвозлар учун қанот бағишлади. Бу сана миллатимизнинг мудраб ётган салоҳияти ва куч-қудратини намоён этишга имкон бергани билан аниққса суюкли ва қадрлидир.

Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида истиқлолимизнинг бош қадриятлари — халқимиз тинчлиги ва осойишталигини, фуқароларимизнинг ҳавфсизлигини таъминлаш борасида Ички ишлар вазирлиги томонидан кенг қамровли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда ушбу режа асосида мамлакатимиз бўйлаб, жумладан, Тошкент шаҳрида тегишли ҳавфсизлик чоралари амалда кенг татбиқ этилмоқда.

— Яқинда Тошкент шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари ҳақида тўхталсангиз.

— Ишончим комилки, 30 июль кунин пойтхитимизда ёвуз кучлар томонидан содир этилган портлашлар халқимизнинг қўшқин қайғуига соя солмади. Бу воқеалардан кишиларимиз юрагига ваҳима ё кўрқув оралагани йўқ. Ҳеч ким ҳавотир туҳликага ҳам тушмади. Ёвуз кучлар бундай қабих ҳаракатлари билан ватандошларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончига заррача дахл эта олмади.

Бу нимадан далолат беради?

— Бу аввало, ганимларимизнинг юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталигини, жамиятимиздаги яратувчанлик ва бунёдкорлик муҳитини, Юртбошимиз раҳнамолигидан бугун биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузишга, ёш, мустақил, аини чоғда тобора кучга кираётган давлатимизни ағдаришга, халқимизни танлаган йўлидан қайтаришга қаратилган режалари ҳомхўёлдан бошқа нарса эмаслигининг яққол исботидир.

— Бу — кўпни кўрган, донишманд халқимизнинг жипслиги ва кучли иродаси синобли кунларда аниққса равшан намоён бўлаётганини билдиради.

Биз йўлимизда ахён-ахёнларда бўлса-да учраётган машаққатли синовларни ягона халқ бўлиб, бир-биримизга суяниб ва таяниб, ҳамжиҳатликда енгиб ўтиб келаётганимизни бу гал ҳам исботлай олдик.

Айни чоғда, давлатимиз раҳбари кўп бора таъкидлаганларидек, терроризмга қарши курашиш кераклигини бир дақиқа бўлсин ёддан чиқармаслигимиз зарур. Озод ва фаровон ҳаётимизни, тинчлигимизни, эл-юртимизни, оиламизни, яқинларимизни, келажақ авлодимизни ўзимиз ҳимоялашимиз зарур. Ўз уйимизни, ўз юртимизни ўзимиз асрашимиз шарт. Ҳимоя қилиш, асраш дегани эса, аввало, огоҳ бўлиш деганидир.

Фурсатдан фойдаланиб, ватандошларимизни яна бир бор ҳушёрлик ва сезгирликни йўқотмасликка, элимиз ва юртимиз ҳавфсизлиги йўлида биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишга даъват этмоқчиман. Айтилик, кўчангизда, подьездингизда беғона машина пайдо бўлган, қўшнаникда нотаниш ва шубҳали кишилар ижарада тургани каби бир қарашда оддий ҳамда безиён тўполданган ҳолатлар ҳам ҳеч биримизнинг эътиборимиздан четда қолмаслиги керак.

Маҳаллаларда кишиларимизни огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этувчи тадбирларни кучайтириш лозим. Жамоатчилик, маҳалла оқсоқоллари ва посбонлари, хотин-қизлар кўмиталари фаоллигини янада ошириш зарур. Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ишчи ва хизматчиларни доимий ҳушёрликка қорлаш ҳам муҳим вазифалардандир. Ватанимизни ҳар қандай ёвуз ҳуружлару бало-қазолардан асраб-авайлаш учун доимо шай турмоғимиз, керак бўлса, эл-юрт тинчлиги йўлида кўксимиз-

ни қалқон қилмоғимиз зарур.

Ички ишлар вазирлиги томонидан осойишталик ва ҳавфсизликни таъминлаш борасида ишлаб чиқилган аниқ чоралар ҳаётага илчил жорий этилмоқда.

Террорчилик ҳаракатлари оқибатида ички ишлар ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари — аинан шу объектларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш зиммасига юкланган забардаст ўғлонларимиз ўз вазифасини бажариб туриб қурбон бўлдилар, бир неча ходимимиз эса тан жароҳати олди.

Лекин, яқин-атрофдаги ҳамюртларимизга, хорижий давлатлар элчихоналари ходимларига ва элчихоналар биноларига зиён-заҳмат етмади. Бу ҳам огоҳлик ва ҳушёрликни кучайтиришга жиддий ёндашганимизнинг натижаси, деб ўйлайман.

Буни ватандошларимиз кўриб-билиб

ЭЛ-ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

Юртимизда энг улуг ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг ўн уч йиллигини кенг нишонлаш учун қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 3 августдаги қарорига мувофиқ дам олиш кунлари 28-29 августдан 30-31 августга кўчирилган Истиқлол байрами муносабати билан ҳамюртларимиз учун яратилган яна бир қулай имконият бўлди.

Бу, аввало, кишиларимизнинг эмин-эркин дам олиши, сайл ва томошаларга чиқиши, яқинларини муборакбод этишга, кексалар, хас-талар ҳолидан хабар олишга фурсат топиши, қисқа айтганда, кутлуг айёмини муносиб нишонлаш, қолаверса, иш вақтидан унумли фойдаланиши каби эзгу мақсадларга қаратилгандир.

Халқимизнинг ана шу табарруқ тўйини пойтхитимизда, умуман, бутун мамлакатимизда катта тантана ва шодиёна билан, тинч ва осойишта, хотиржам ва беҳатар, пухта ва батариб ўтказиш аини чоғда ҳар биримиздан ҳамжиҳат, ҳушёр ва сезгир бўлишимизни тақозо этиши ҳам бор гап.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари Зухриддин БОБОКАЛОНОВ билан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири шулар ҳақида суҳбатлашди.

турибди. Буни чет эл ваколатхоналари, хусусан, АҚШ ва Исроил давлатлари элчихоналари ҳам эътироф этди.

Ҳар икки элчихона раҳбарияти портлашлар оқибатида ҳалок бўлган ходимларимизнинг уйларига бўлиб, марҳумларнинг оила аъзоларига тазия билдирди, яқинларидан кўнгил сўради. Улар вазирлигимизда бўлиб, тинчлик-осойишталик ва ҳавфсизликни таъминлашга қаратилган савй-ҳаракатларимиз учун миннатдорлик изҳор этдилар.

Бу — хорижлик дипломатлар юртимизда ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларимизни тан олганлидир.

— Шу кунларда осойишталик ва барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида нималар дея оласиз?

— Мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталигини, халқимизнинг осуда ва барқарор ҳаётини таъминлаш борасида юртимиз микёсида кенг қамровли ишлар бажариляпти. Юртдошларимизнинг байрам қайғити ёвуз кучлар томонидан бузилишига асло йўл қўймаймиз.

Республикамиз бўйлаб ўтказилаётган «Тозалаш», «Аксилтерор», «Паспорт» каби бир қатор махсус тадбирлар худди шу мақсад ижобатига қаратилган. Ушбу тадбирлар давомида юртимизга байрам арафасида ноқонуний, ҳуфя йўллар билан кириб келган кимсалар аниқланади ва уларга нисбатан қатъий чоралар кўрилади.

Ҳукуматимиз қарори билан бу борада белгилаб берилган чора-тадбирлар ижроси йўлида Тошкент шаҳри ва вилоятларда байрам тантаналари ўтказиладиган жойларда ёнгин ҳавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, байрам кунлари йўл транспорт ҳаракати ҳавфсизлигини жиддий назорат қилиш юзасидан алоҳида гуруҳлар тузилган. Ходимларимиз халқимиз шодиёналари хурсандлик билан, тинч ва беҳавотир ўтиши учун ўз зиммаларига юкланган бутун масъулятни ҳис этиб меҳнат қилмоқдалар.

Ушбу гуруҳлар тантанали тадбирлар иштирокчиларига мўлжалланган амфитеатрлар, санъаткорлар учун қурилган сахналарнинг мустаҳкамлигини ўрганмоқда. Бу жойларда ёнгин ёки шу каби бошқа кўнгилсиз ҳодисалар чиқишининг олдини олишга қаратилган чоралар кўриломоқда. Умуман, ички ишлар идоралари ходимлари жойларда ҳар томонлама ҳавфсизлик-

ни таъминлаш мақсадига йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар ижроси билан машғул.

Байрам тадбирлари ва турли тантаналар ўтказиладиган жойларда, чет эл элчихоналари, маъмурий бинолар ва бошқа ўта муҳим объектлар атрофида «Тозалаш» махсус тадбирини ўтказяймиз. Аниққса, жамоатчилик билан биргаликда ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда маҳаллалар фаоллари ва посбонлари билан ҳамкорликда ҳар бир ҳовли, хонадон, кўп қаватли уй, уларнинг ертўласидан тортиб чордоғигача текшириб чиқилляпти.

Шу билан бирга, юртимиз чегара ҳудудларида тегишли хизматлар билан биргаликда махсус гуруҳлар тузилиб, контрабанда, портловчи моддалар, қурол-яроғ ва наркотик моддаларни мамлакатимиз ичкари-сига олиб киришга уринишдек ноқонуний ҳаракатларнинг пайи қирқилмоқда.

Мисол учун, Сирдарё вилоятининг Тохикистон билан чегарадош Ховос туманида 140 килограмм опий, Сурхондарё вилоятининг 16-ҳаракатдаги божхона постида эса 226 килограмм героин ва опий моддалари юртимиз ҳудудига олиб кириляётганда қўлга олинди.

Охириги бир ҳафта ичида 367 килограмм ана шундай қучли таъсир қилувчи гиванд моддалар тўхтатиб қўлингани бу борада ҳам катта қўламдаги амалий ишлар бажариляётганидан далолатдир. Энг муҳими, бу факт ва рақамлар чегараларимиз, давлатимиз сарҳадлари ўта сезгирлик ва ҳушёрлик билан қўрқиланаётганининг ўзига ҳос қўрсаткичи бўла олади, деб ўйлайман.

— Юртдошларимизга қандай байрам

тилакларингиз бор?

— Албатта, юқорида айтганимдек, бита-иккита газандарнинг ғаразли ҳаракати мустақил, қудратли ва салоҳиятли давлатимизга заррача зиён-заҳмат етказолмайди. Ёвуз кучлар халқимизни, миллатимизни Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида бундан ўн уч йил аввал танлаб олган эзгу йўл — буюк истиқлол, истиқбол ва бахт-икбол йўлидан қайтара олмайд.

Одатдагидек, пойтхитимизда ва вилоятлар марказларида бўладиган муборак айёмида тантаналари тинч-осойишта ва ҳавф-хатарсиз ўтишини ҳар томонлама таъмин этиш, умуман, мамлакатимизда осуда ҳаёт барқарорлигини мунтазам сақлаб туриш учун тегишли ҳавфсизлик чоралари кўрилан. Хусусан, ички ишлар идораларининг барча куч ва имкониятлари аини шу мақсад йўлида сафарбар этилган.

Ҳамюртларимиз кутлуг байрамимизни эмин-эркин, шодиёна ва хурсандлик билан нишонлашнинг тиламиз. Шу улуг айём кунларида қанчадан-қанча аждодларимиз армони — истиқлолдек буюк неъмат бизнинг бахтиёр авлодга насиб этгани ҳақида, биз ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмай-диган миллат, халқ вакиллари, Яратганининг назари тушган муътабар замин фарзандлари эканлими тўғрисида, мустақиллик йилларида забт этган юксак марраларимиз хусусида қанча фахр этсак, шунча арзийди.

Зеро, Юртбошимиз айтганларидек, агар биз бугунги ҳаётимизга, бунёдкорлик ишларимизга, эришаётган ютуқларимизга тўғри баҳо бермасак, уларнинг қадрига етмасак, ўз ҳушёрлигимизни йўқотиб, бизни ҳар қадамда кутаётган таҳдидларни, тинч турмушимизга, ҳавфсизлигимизга раҳна солаётган, оёқостидан чиқаётган ҳар хил бало-қазоларни ҳам пайкамай-сезмай қолишимиз мумкин. Шу боис наинки ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, балки барча фуқароларимиз ҳар доим ҳушёр ва сезгир бўлишларини, бошқача айтганда, бизга яқиндан ёрдам беришларини истаيمان.

Чўнки, Ўзбекистон аталмиш гузал ва бетакрор юрт ҳаммамизники. Демак, уни ҳаммамиз бирдай ҳимоя қилмоғимиз зарур.

— Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат. Сизларнинг машаққатли, аини чоғда шарафли ишларингизда омад ҳамisha ёр бўлсин.

ЎЗА мухбири Фулом МИРЗО суҳбатлашди.

— Тоймас Эргашевич, бугунги кунда туғиш ёшидаги аёлларни тиббий кўриқдан ўтказишнинг аҳамияти ҳақида фикрларингизни билдирсангиз.

— Жаҳон соғлиқни сақлаш таъкилоти тавсиясига кўра аёллар 15 ёшдан 49 ёшгача туғиш ёшидагилар қаторига ки-ради ва уларни ҳар йили тиббий кўриқдан ўтказиш амалга ошириб келинмоқ-да. Бундан асосий мақсад, аёллар ораси-да мавжуд касалликларни аниқлаш ва ҳар бир аниқ аёлда ҳомиладорликка мут-лақ ёки нисбий монелик бор-йўқлигини аниқлашдир, чунки инсон ҳаётидан аф-зал нарса дунёда йўқдир.

Ҳомиладорликка нисбий монелик бўлган ҳолда мавжуд касаллиқни даволаш муддатиди ҳар бир аёл учун унга мос кон-трацептив воситани қўллаш зарур. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, Республикамиз мустақилликка эришган кундан буён аёл-ларга қўлланиладиган барча контрацеп-тив воситалар билан таъминлашни дав-лат ўз зиммасига олган ва бу иш муваф-фақияти амалга ошириб келинмоқда.

— Ҳомиладорликни давом этти-ришни ҳал қилиш, скрининг ТОРЧ-инфекцияси ҳақида ҳам гапириб бер-сангиз...

— Фан ютуқларини тиббиёт амалиёти-га татбиқ қилиш натижаларидан бири, яқин қариндошлар орасидаги никоҳ, хоми-ладорлиқнинг илк муддатларида ҳомила ривожига салбий таъсир қилиш (она ёки ота организмидидаги баъзи касалликлар, шифокор маслаҳатсиз дори воситалари-ни истеъмол қилиш, ташқи муҳит таъси-ри ва бошқалар), ирсий касалликларни мавжуд, аввалги ҳомиласи тушган ёки барвақт туққан ҳомиладорларнинг фар-зандларида тугма нуқсонлар бор-йўқли-гини аниқлаш, ҳалқимиз генофондини ҳа-вишлаш учун давлатимиз томонидан қат-та маблағ ажратилиб, барча ҳомиладор-ларни скрининг текширувидан ўтказиш

учун мутахассислар тайёрланиб, махсус марказлар очилган, керакли ноёб тибби-ёт асбоблари, реактивлар харид қилин-ган. Бироқ, минг афсуслар бўлсинки, баъ-зи одамлар ушбу ишнинг асл моҳиятини англамай, ҳомиладорларни ўз вақтида скрининг текширувдан ўтишга даъват қил-майдилар, бундан ташқари орамизда «бундай текшириш керак эмас» дейди-ганлар ҳам топилади.

Охири йилларда аёллар, шу жумладан ҳомиладорлар орасида ТОРЧ-инфекция учраши кўпаймоқда. ТОРЧ- инфекциянинг клиник белгилари суст намоён бўлишига қарамай, унинг аёл организмига, ҳомила-дорлик кечигишига ва ҳомила ривожига қат-та салбий таъсир қилиши аниқланган. Улар аёлларда ҳомиладорлик оғирлашувларидан бири гестоз, замонавий таъриф бўйича «преэклампсия», ҳомила ривожининг сус-тлашиши, заиф ҳомила туғилишига ва ни-ҳоят бачадон ичиди ҳомиланинг нобуд бўли-шига сабаб бўлади. Юқоридигиларни ино-батта олган ҳолда барча ҳомиладорларни ТОРЧ-инфекция мавжудлигига текшириш тавсия қилинади ва уни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Экстрагенитал касалликлари (камқон-лик, сурункали пиелонефрит, гепатит, се-мизлик, колит, энтероколит, одокрин ка-салликлар ва бошқалар) мавжуд аёллар-да ҳомиладорлик жараёнида оғирлашу-лар (истиско, қон босимининг кўтарили-ши, пешобда оқсил пайдо бўлиши, су-рункали касалликларни зўрайиши ва бошқалар) рўй бериш эҳтимоли юқори бўлади. Шунинг учун ҳомиладорларни тиб-бий кузатиш жараёнига керакли барча му-тахассислар жалб этилади, лаборатор, ин-струментал текширувлар бажарилади ва лозим даволаш тадбирлари амалга оши-рилади. Фақат шундай йўл туғилганда ҳомиладорларда сурункали касалликлар зўрайишини, оғирлашувларининг олдини олиш, уларни ўз вақтида эрта аниқлаш,

самарали даволаш натижасида ҳомила ривож, туғруқ ва чилла даври меъёрида кечиш имконияти ортади.

— Охири йилларда ҳомиладорлик

амалиёт улуши шोшиличга нисбатан 70-90 фоизни ташкил қилади. Республикада кесар кесиш ўртача кўрсаткичи кўп йил-лар мобайнида 6-10 фоизни ташкил қи-лади.

Мусоаба

ОНА ВА БОЛА СОҒЛИФИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

Маълумки, мамлакатимизда она ва бола соғлигини муҳофа-за қилишга катта эътибор бе-рилмоқда. Негаки аввало она-лар соғлом бўлса, фарзандлар ҳам соғ ва бақувват бўлиб ка-молга етади. Бугунги суҳбатдо-шимиз Яққасарой туманидаги 8-акusherлик мажмуаси бош шифокори, иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институти аку-шерлик ва гинекология кафедр-аси профессори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Оналар касал-ликлари ва ўлимнинг олдини олиш кўмитаси раиси, Ўзбе-кистон Республикаси Акушер-гинекологлар ассоциацияси аъзоси, тиббиёт фанлари док-тори Тоймас ТўЛАГАНОВ ҳам она ва бола саломатлиги йўли-да кўп йиллардан буён сама-рали меҳнат қилиб келмоқда.



ва туғруқ жараёнида кесар кесиш амалиёт кўпроқ учрамоқда. Бунинг сабаблари нимада?

— Ривожланган давлатларда кесар ке-сиш амалиётининг учраши 25 – 40 фоизга етади. Лекин уларнинг орасида режали

моқда. Лекин шошилич жарроҳлик амалиётининг улуши 70-80 фоизни ташкил қилади. Бу демак ҳомиладор ва туғувчи аёлларда туғруқ режалари ўз вақтида аниқ-ланмаган ва уларда кесар кесигга кўрсат-ма туғруқ вақтидагина намоён бўлади.

Маълумки, режали кесар кесидан сўнг асоратлар учраши зудликка нисбатан бир неча баробар камдир ва аксинча.

Туғруқни режалаштиришда ҳомиладор-ликнинг охири ойларида шифокор аку-шер-гинеколог кўригидан мунтазам ўтиб туриш, лозим бўлган текширишларни амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Чунки шу даврда ҳомила ривож, унинг чанокча мос келиши, ҳомиладорликда учрайдиган оғирлашувлар ўз вақтида эрта аниқланади ва шу йўсинда кесар кесиш амалиёти учрашини камайтириш мумкин.

Юқоридигиларни инобатга олган ҳолда аёли тиббий сабоқ Соғлигини ошириш мақсадида қабул қилинган Вазирлар Маҳ-к-атининг Қарар алоҳида йўри тут-ади. Чунки бу қарор аҳоли билан бир қатор-да жамоат, айниқса маҳалла ишларида фаол қатнашаётган оқсоқоллар, хотин-қизлар кўмиталари, ёшлар ташкилотла-рининг аъзолари ишини юқорида қайд этилган мақсадни ташкиллаштиришга ва фаоллаштиришга йўналтирилган. Барча-мизнинг вазифаси аҳоли тиббий савод-хонлигини ошириш ва олинган билимлар-ни ҳалқимиз аънааналари билан чамбар-час боғлаб амалга ошириш ишларини янада жадаллаштиришдир.

Акушерлик оғирлашувларидан энг фо-жалисиси оналар, яъни ҳомиладор ва туқ-қан аёлининг чилласи чиқувча ўлимидир.

Ҳақиқатан ҳам Республикамиз муста-қил бўлганидан сўнг оналик ва болалик-ни муҳофаза қилиш бўйича ташкилий-ус-лубий, кадрлар тайёрлаш, акушер-гине-кологик ёрдам кўрсатувчи муассасалар-нинг моддий-техник базасини яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширил-ди. Таҳлиллар шунинг кўрсатаётгани, тиб-биёт зимиди режалаштирилган иш-лар... амалга ошириш билан бир қатор-да бундан буён оналар ўлимини камай-тириш борасида асосий ишлар жамоат-чилик томонидан фаоллаштири зарур.

Жамоатчилик деганда жамиятимиз-нинг асосий бугунларидан бири маҳал-лани назарда тутамиз. Маълумки, аҳоли билан энг кўп мулоқотда бўладиганлар бу маҳалла фолларидир. Шунинг учун биринчи навбатда уларнинг тиббий са-водхонлигини ошириш, улар орқали аҳоли орасида туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш ишларини жадаллашти-ришимиз мақсадга мувофиқдир.

Маълумки давлатимиз гўдак, ёш, ўси-рин ўғил ва қизларимиз, келин-куёвлар, туғиш ёшидаги аёлларни режали тиббий кўриқдан ўтказишни ўз зиммасига олган. Кўпчилик бу тadbирни шифокорлар иши деб ўйлашади. Тўғри, тиббий кўриқдан ўтказиш шифокорлар зиммасига юклатил-ган, бироқ уни ташкиллаштиришда ма-ҳалла ва унинг тизимидаги жамоат таш-килотларининг режаларига киритилиб ке-лаётган ишда жамоатчилик ўрни ҳануз-гача талаб даражасидалиги сезилмаёт-ти. Оқибатда бемор аёлларнинг ҳомила-дор бўлишлари кузатишмоқда, улар ўз вақ-тида шифокорлар томонидан кўриқдан ўтмаётганлар ва ҳомиладорлик оғирла-шувлари намоён бўлгандагина шифохо-нага мурожаат қилиш ҳоллари кузати-лмоқда. Бундай ҳолларда ҳомиладор аёл-ни даволаш, унинг ҳомиласини сақлаш муаммолари пайдо бўлади ва минг аф-суси, баъзан туғруқ ёки чилла давлари-да аёл ҳаётига таҳдид солувичи оғир асо-ратлар кузатилиши мумкин.

Дилором ИКРОВА

суҳбатлашди.

СУРАТЛАРДА: (юқоридидаги суратда) 8-акusherлик мажмуаси бош шифо-кори (ўртада) Тоймас Тўлаганов ҳаммаксари билан келгуси иш ре-жаларини ўртоқлашмоқда; (пастда-ги суратда) чақалоқлар бўлими му-дир Нелли Аникштейн бахтиёр она ва бола билан.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Мутахассис маслаҳати

ЧАНГДАН ЭҶТИЁТ БЎЛИНГ

Биласизми, шаҳардаги одамлар бир кеча-кундузда тахминан 12 кубометр, бошқача айтганда 12 минг литр ҳавони қабул қилишади. Қишлоқларда эса аҳвол бир оз яхши, шунинг учун уларнинг юзлари қизил ва тиниқ. Саноат корхоналаридан чиқадиган чиқиндилар ва автотранспортлардан чиқа-диган ишланган газлар шаҳар аҳолисининг ўпкасига ёмон таъсир қилади деб ҳисобланар экан.

Бу гап ҳақиқатан ҳам тўғри. Лекин шунинг айтиш керакки, биз шаҳарликлар вақтимизнинг кўпи билан 10 фоизини кўчада ўтказамиз, ўпкамизга тушадиган асосий зарбани эса хоналарда кўп ўтириш ўзига оламиз. Уй-ларимизда асосий оламизга зарар қиладиган қанча чиқиндилар, кўзга кўринмас инфлос чанглар борлиги ҳақида ўйлаб кўрган-мисиз. Масалан: сувалган де-ворнинг аста-секин кўчиб ту-шиб туришини, кийимларимиз-нинг эскириб, иплари, жуна-ри тўкилишини, ҳар лаҳзада те-римиздан эпителийлар тушиб туришини ҳаёлимизга ҳам кел-тирмаймиз.

Ана шу чиқиндиларнинг бир қисми олдий чангга айланиб, дуч келган жойга чўқади. Бошқа вазни енгиллари бир-бири билан қўшилиб, ҳавода муаллақ ҳолда айланиб юради. Кўш нурида уларнинг катта-роқ зарарларини кўрса бўлади. Чанг ҳавода бир текис бўлмай-ди. Ҳаммадан кўпи полдан 30-70 сантиметр юқорида туради. Худди шу жойда болалар эмак-лаб юриб ёки ўтириб олиб, ўйнайдилар. Шунинг унутмаслик керакки, бир литр ҳавода беш юз минг донагача чанг зарра-лари бўлади. Бир кеча-кундуз-да одамнинг нафас йўлларида 6 миллиард донагача чанг зар-ралари ўтиради. Бундан таш-қари, чанг вируслар ташийдиган восита ҳисобланади, у жуда кучли аллергия реакция кўрса-тади. Чангда могор замбуруғ-ларининг майда заррачалари, радиоактив металллар, қўчалар четида муаллақ турадиган

кўрғошиндан кўра захарлироқ нарсалар бўлади. Чанг айниқса беш ёшгача бўлган болаларга зарарли, чунки уларда иммун-тет ҳали заиф бўлади. Кўчиб ту-шадиган эпителийлар эса чанг (сапорофит) канаси учун озиққа ҳисобланади. Айниқса ўрин-кўрпада бу хил озиқ кўп бўла-ди. Каналарнинг ҳаёт фаолият-ти маҳсулотлари ва улардан ту-шадиган нарсалар жуда кучли аллергия ҳисобланади, астма, гуш (экзема)га сабаб бўлади, баъзиларимиз эса астма, гуш-ни мушук, иг, жуи ва бошқа нарсалардан кўрамиз. Агар бир грамм чангини микроскоп ос-тига қўйиб кўрилса, ундан икки мингта қанани топиш мумкин. Чангютичнинг энг қалин фильтридан ҳам чанг ва кана-лар ўтиб кетади. Чангютич би-лан тозалаш хонада чанг гир-добини ҳосил қилади.

Энг замонавий чангютич ҳам йирик, кўзга кўринадиган чангини ўша олади, холос. Шу сабабли, болалар уйини чан-гютичда тозаламаган маъқул. Энг яхшиси, супургини ҳўлаб, супуриш, латтани ҳўлаб, пол-ни артиш керак. Чанг канаси қайнатганда ўлади, шунинг учун чойшаб ва кўрпа, ёстиқ-ларини камиди ариш соат қайнатиш, ич кийимларни, айниқса болалар кийимлари-ни ювгандан кейин албатта дазмоллаш шарт. Ҳаво қанча-лик қуруқ бўлса, чанг ҳавода шунчалик кўп бўлади. Шкаф-лади. Чангда могор замбуруғ-ларининг майда заррачалари, радиоактив металллар, қўчалар четида муаллақ турадиган

Муҳаббат УМАРБЕКОВА, Республика Саломатлик институтининг Тошкент шаҳар филиали шифокор методисти.


САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Шифо масканларида

ЭЛ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТА

Соғлиқ инсоннинг энг катта бойлиги. Қачонки инсон соғ-саломат бўлса, елиб-югуриб меҳнат қилади, тинмай ишланади, интилади, эзгу ниятлар билан яшайди. Агар бетоб бўлиб қолсачи, ёруғ олам кўзларига тор кўриниб кетсади, шундай кезларда шифокорлар улар-нинг кўзларига фарингалардек кўринади.

1995 йилда Карим ака «Қорин бўшлиғи аъзолари силлини ташхислаш ва даво-лашнинг замонавий асосла-ри» мавзусида докторлик иши-ни ҳимоя қилганидан сўнг ўз ишининг масъуллиқ даража-сини янада чуқурроқ ҳис қилди, беморларга кўпроқ ёрдам бериш истаги унга тинчлик бермай қўйди. Ана шу истак ва мақсад йўлида «Меҳригиге-шифо» поликли-



никасини 1996 йилда ишга ту-ширди. Дастлаб кардиолог, гинеколог, невропатолог хо-налари очилди. Беморларга қўйилган аниқ ташхислар, белгиланган даво усуллари-нинг бесамар кетмаётганли-ги аниқ бўлган, 1998 йилда ушбу даргоҳ клиникага ай-

лантирилди. — Мен, — дейди Карим Ра-сулов, — ўз соҳамни жуда қад-рлайман ва ҳурмат қиламан. Инсон саломатлигини тик-лашдек шарафли касбнинг нонини ҳалоллаб ейиш осон эмас. Чунки инсон ҳаётини асраш, авайлаш унга соғлиқ бахш этиш, ҳаётга қайтариш учун, чуқур билим ва мала-ка, асосийси касбига салоқат ва меҳр керак. Мен мунаддас шифокор деган номни юксак-ка кутариб яшашга доимо ҳаракат қилиб келганман.

Ҳа, Карим Расулловни жуда изланувчан ва ўз касбининг фидойиларидан дейиш мум-кин. Бугунги кунда муассаса-да кишилар саломатлигини тиклаш борасида анчагина ишлар йўлга қўйилган. Бу ерга келган беморларга икки соат ичиди ташхис қўйилиб, кар-диолог, терапевт, гинеколог, шуллас барча шифокорлар иштирокида маслаҳатлашиб

Гулҳебра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: «Меҳригиге-шифо» маскани фаолиятидан лавҳалар.

Диккайт, аниқлик!


ЁШЛАР МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси Ўзбекистон бўлими Ўзбекистон Миллий университетига ёшларга репродуктив саломатлик масалалари бўйича дўстона маслаҳат ёрдами кўрсатиш учун махсус грант ажратди.

Мамлакатимизда ўсиб келаёт-ган ёш авлод саломатлигини му-ҳофаза қилиш, уларнинг турли хил юқумли касалликларга чали-ниб қолмасликлари, шунингдек, билиб-билмай гиёвандликка ружу қўймасликларини тушунти-риш мақсадида амалий чора-тад-бирлар кўриломоқда. Шу мақсад-да яқинда Ўзбекистон Миллий университети қошида Ёшлар маркази ташкил этилди. Ушбу марказ сентябрь ойидан ўз фао-лиятини бошлади. Марказда талаба ва ўқувчи ёшларга ре-продуктив саломатлик масалала-ри ва бошқа ҳолатлар бўйича бе-пул психологик консультатив хизмат кўрсатилади. Бундан та-шқари СПИД ва ВИЧ ҳамда та-саликларнинг олдини олиш, гиёвандлик би-лан хасталанган беморлар ва уларнинг оила аъзоларига ҳам ўз маслаҳатини беради.

Бугунги кунда Ёшлар маркази янги, энг за-монавий компьютер технологиялари, мебеллар билан жиҳозланган хоналардан иборат бўлиб, ўзининг махсус кутубхонасига ҳам эга. Марказ-да малакали психологлар билан бирга Ўзбеки-стон Миллий университетининг психология фа-культети талабаларидан ташкил топган кўнгил-лилар гуруҳи ҳам иш олиб боради.

Етмишга яқин кўнгилли талабалар июль ойи-



ида ўтказилган икки ҳафталик ўқув-тайёрлов курсларида махсус тайёргарликдан ўтдилар. Айни кунларда марказга қизқувчилар сони ошиб бормоқда. Негаки, «Саломатлик — туман бойлик» дейдилар. Бойлигимиз бўлган сало-матлигимизни албатта ёшлардан асрашимиз керак. Бу борада мана шундай марказларнинг фаолият олиб бориши муҳим аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз.

Гулнора ҲАМИДОВА

СУРАТДА: Ёшлар марказида кўнгилли талабалар билан ўтказилган ўқув-тайёрлов курсидан лавҳалар.

Миннатдорлик

Қўлингиз дард кўрмасин

Жарроҳ шердек довурак, бургутдек ўткир кўз, бармоқлари аёлларникидай майин деган таърифу тавсифларнинг бежиз айтилмаганлиги, инсон ҳаётини сақлаш учун машаққатли, масъ-улиятли ишда шундай фазилатлар кераклигини чуқур англадим. Шу билан бирга оқ либоси ўзига ярашган нуруний чекрали, касбига, қасамига содиқ, ҳурматга сазовор ҳақиқий шифо-корлар борлигидан қувондим.

Умр йўлдошим Тоҳиржон Ази-зов 12 бармоқли ичак яраси хасталиги билан оғриб «тез ёрдам» машинасида шаҳар тез тиббий ёрдам шифохонасига шу йили 17 майда олиб борилган эди. Уша кунгиги ҳолатини тас-вирлашга ожизман. «Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб» де-ганларидек, яқин кишини шифо-хонада парвариш қилган, ши-фокорларга болаларидек ҳовди-раб, термулиб умид қўзи билан қараган, қорни очми-тўқилгини эсдан чиқарган, уйқуни унутган одамгина бу ҳолатни англаши мумкин. Бундай оғир ҳақиқатни душманамга ҳам раво кўрмайман. Кўпича оила ташви-ши деб соғлиққа аҳамият бер-маймиз. Киши йилкай деганда соғлигини, тўғрироғи фарзанд-ларини ўйлаб, жонидан ўтгандан кейингина шифокорга нажот би-лан боқади.

Шу кунни тезда тиббий тек-ширув ўтказилди. Бемор реа-

нимация бўлимига ётқизилди. Тажрибали жарроҳлар беморни зудлик билан операция қилиш кераклигини айтдилар. Доцент Сирождидин ака Алимўхамедов, жарроҳлик бўлими мудир, профессор Ирина Прохорова, олий тоифали шифокор Гулба-ҳор Бобораҳимова, олий тои-фали анестезиолог Содик ака Қодиров биргаликда тўрт ари соат мобайнида бемор ҳаёти учун курашдилар. Яратганга шукр, фарзандларимнинг бах-тига турмуш ўртоғим омон қолди. Шифокорларнинг олтин қўллари илоҳим дард кўрмасин, меҳр тўла қалби шодликдан қувонсин, беморларнинг дил-шан айтган дуоси билан умрла-ри узун, ҳаётлари бахт-саодат-ли бўлсин.

Шифокорлар қайси соҳада ишлашидан қатъи назар аввал ширин сўзи билан қалбни, рух-ни даволайди. Сўнгга хаста та-нага шифо берад экан, оғир

аҳволда бўлган турмуш ўрто-ғимнинг ҳаёти қил устида тур-ганида Сирождидин ака Алимў-хамедов каби қалби пок, ажой-иб инсонларнинг юксак мада-нияти беморга руҳий қуч, энг-га ишонч бағишлади. Ташвишу машаққатни инсонлар бирла-шиб енгишини ўшанда бошим-дан ўтказдим. Оила аъзолари-миз, қариндош-уруғ кўмаги, шифокорларнинг бегараз ёрда-ми, далда бериши, бекиёс ғам-хўрлиги ёдимдан қичмайди. Бемор учун эътибор, икки оғиз самимий дил сўзи етарли. Ин-сон ширин сўзининг гадоси эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Меҳр-оқибат шундай вақтда ўзининг бекиёс қуч эканлиги-ни рўй-рост намойиш этади. Меҳрни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Инсонни меҳр ас-райди, беমেҳрлик ҳароб қила-ди. Меҳр-оқибат илоҳим бар-қарор бўлсин.

Ҳолида АЗИЗОВА

Петрушканинг ҳамма турлари ва ҳамма бўлак-лари буйракни, қовуқни ва бачадонни тозалай-ди. Уруғи ва барглари ичми сурувчи эмас, илдижи эса сурувчидир. Тоғ петрушкеси тошни майда-лайди.

РОВОЧ

Унинг сиқиб олинган сувини кўзга тортилса, кўзни ўткир қилади. Сафроли ичкетига фойда-лидир. Қизамиқ, чечакка фойда қилади. Ровоч илдижини сиркага қўшиб суртилса ва у билан сурги қилинса, сеппик ва теридида (ярдан) қолган изларга фойда қилади. Астма ва қон туф-лашда фойда қилади. У жигар, меъда ва унинг заифлигида ва оғриқларида, ички оғриқларда, хичқонда, чурра тушишда фойдалидир, у талок-ни оздиради. Ровоч илдижи овқат заммининг бу-зилтишидан бўлган ичкетиди, ичак оғриклари ва диэнтеридида, буйрак ва қовуқлардаги оғриқлар, бачадон оғриклари ва қон кетишда фойдалидир.

— Шунинг таъкидлаш керакки, ўтган ярим йил ичида шаҳар ҳўжалик судига 6003 та даъво аризалари ва аризалар келиб тушган бўлиб, уларнинг 5.879 таси иш юртишга қабул қилинган. Иш юртишга қабул қилинган ушбу даъво аризалари ва аризаларнинг 5.604 таси (2003 йил биринчи ярмида — 5.138 та) мазмунан қўриб ҳал қилинган. Ҳал қилинган ишлар бўйича даъвогарлар фойдасига жавобгарлардан 108 миллион 039 миллион 207 минг сўм (2003 йил биринчи ярмида 21 миллион 802 миллион 919 минг сўм) ундириб берилган. 324 та ёки 5,2 фоиз (2003 йилнинг биринчи ярмида 661 та — 4,6 фоиз) даъво аризалар ва аризалар қонун талабларига риоя қилинмагани ҳолда судга берилганлиги учун суднинг ажрими билан даъвогар ёки аризачиларга қайтарилган ёҳуд уларни қабул қилиш рад этилган. Ўтказилган таҳлиллар қайтарилаётган даъво аризаларининг аксарият қисми даъво аризаларига қонунчиликда белгиланган давлат божи ҳаражатларнинг тўлиқ тўланмаётганлиги, даъво аризасининг нуҳаси ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилаётганлиги, даъво аризаси уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланиб, тақдим этилганлиги каби ҳолатлар сабаб бўлаётганлигини кўрсатмоқда.

Мисол учун, даъвогар — «Паркент иктисослашган бозори» очик акциядорлик жамияти томонидан тақдим этилган жавобгар — «NATELLA ELLIT» ҳуқуқий корхонаси, ЯТТ «Инна Савина», ЯТТ «Нина Раманеева» ҳамда «Chemich Production GmbH» ЕАХ ШҲ қ нисбатан шартнома тузишга мажбурлаш тўғрисидаги даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар ўрганилганда, даъво аризасига қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божининг тўланмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинмаганлиги, даъво бир неча жавобгарга нисбатан бир неча талаблар юзасидан берилганлиги, ушбу талабларнинг фақатгина биттаси юзасидан давлат божи тўланганлиги, бундан ташқари қонунда бундай талаблар қўйилганда уларни суддага ҳал этиш чоралари қўрилиши лозимлиги, бироқ даъво аризасига илова қилинган ҳужжатларда ушбун тасдиқловчи ҳужжатларнинг йўқлиги аниқланган. Шу сабабли суднинг ажримиға асосан ушбу даъво аризаси қайтариб юборилган.

Даъво аризалари ва унга илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда расмийлаштириш жараёнида айрим ҳўжалик юритувчи субъектлар билан бир қаторда ҳўжалик судига мурожаат қилаётган туман солиқ инспекциялари, туман ҳокимликлари томонидан тақдим этилаётган бир қанча аризалар бўйича ҳам камчиликларга йўл қўйлаётганлиги ачинарли ҳол ҳисобланади.

Бу ҳолатлар мазкур идораларда юридик хизматга етарли даражада эътибор берилаётганлигидан ёки бўлмаса, мазкур идораларда судга мурожаат қилиш учун тегишли ҳўжатларни расмийлаштириш вазифаси юклатилган шахсларнинг ўз ишига масъулият билан қарамаслигидан далолат беради.

Қўриб чиқилган ишларнинг 2211 таси — 36,6 фоизи (2003 йилнинг биринчи ярмида 2035 таси — 35 фоиз) — фуқаролик ҳуқуқий, 3167 таси — 54,5 фоиз (2003 йилнинг биринчи ярмида 2958 таси — 50,9 фоиз) маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низо-лардан, 154 таси — 2,6 фоизи (2003 йилнинг биринчи ярмидан 147 таси — 2,5 фоиз) — аска банротлик тўғрисидаги ишлардан ва 12 таси — 0,24 фоизи (2003 йилнинг биринчи ярмида — 16 таси — 0,28 фоизи) — юридик аҳамиятга молик фактларни белгилаш тўғрисидаги ишлардан иборат.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низоларнинг кўпчилиги шартномавий мажбуриятларни бажармаслик оқибатида юзага келган. Масалан, маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича 1.131 та иш юзасидан 10 миллион 17 миллион 480 минг сўм; олиш-сотиш шартномаси бўйича — 1131 та иш юзасидан — 730 миллион 558 минг сўм; кредит, шу жумладан банк кредити бўйича 150 та иш юзасидан — 6 миллион 124 миллион 775 минг сўм; пудрат шартномаси юзасидан 276 иш 4 миллион 626 миллион 770 минг сўм пул маблағлари жавобгарлардан даъвогарлар фойдасига ундириб берилган.

Маълумки, бозор иктисодиёти шаро-

ида шартномалар барча мулк шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар ҳамда тадбиркорлар ўртасида иктисодий муносабатларни ўрнатувчи, тартибга солиб турувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Ҳўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ қоидалар, қолаверса, уларнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ мажбуриятлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва амалдаги қонунларда белгиланганлигиға қарамай, ҳўжалик судида қўрилган ишлар шартномаларини тузиш ва уни бажариш борасида қўллаб хато ва қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйлаётган-

Хуқуқ

ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИ АДОЛАТ ТАРОЗУСИДА

Республикаимизда ҳўжалик судлари томонидан амалга оширилаётган ишларнинг салмоғи ва сифати йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жумладан 2004 йилнинг биринчи ярми мобайнида шаҳар ҳўжалик суди томонидан ҳам иктисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёҳуд қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳада қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қўмаклашиш борасида ваколатлари доирасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бизнинг Тошкент шаҳар ҳўжалик суди раиси Фозилжон ОТАХОНОВ билан суҳбатимиз ҳам ушбу ташкилот томонидан ўтган ярим йил ичида ҳўжалик низолари ечимини топиш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида кечди.

лигидан далолат бермоқда.

Чўнончи, «Тошкент электр тармоқлари» очик акциядорлик жамияти, «Тошкентсу» акциядорлик жамияти, «Газалект ойна» қўша корхонаси иштирокидаги айрим низоларни қўриб чиқишда шартнома мажбуриятларининг лозим даражада бажарилмаганлиги ҳолатлари юзасидан мазкур корхоналарнинг масъул айбдор ходимларига нисбатан тегишли чоралар қўрилган.

Низоларни қўриш давомида айрим ҳўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ ҳўжалигига ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ва 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармонлари талабларини қўпол равишда бузиб, ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида қилинишига сустхасликка йўл қўётганлиги учун уларга нисбатан ҳам қонуний чоралар қўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун ҳўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 9 августдаги Фармони ва Вазирлар Маҳма-сининг 1996 йил 8 ноябрдаги 387-сон қарори ижросини таъминлаш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган.

Ҳисобот даврида шаҳар ҳўжалик суди томонидан давлат солиқ инспекцияларининг 1744 та (2003 йилнинг биринчи ярмида 1385 та), даъво аризалари ва аризалар қўриб чиқилиб, улардан 1454 таси бўйича — 52 миллион 111 миллион 120 минг сўмга яқин (2003 йилнинг биринчи ярмида 1.153 таси бўйича — 26 миллион 122 миллион 613 минг сўм) боқиманда қарзларни ташкилотларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида суд ҳужжатлари берилган.

Бироқ, айрим туман давлат солиқ инспекциялари томонидан масъул ходимларнинг ўз хизмат вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндошиб, ҳўжалик судларига аризаларни тайёрлашда эътиборсизликка йўл қўйиши оқибатида бир қатор аризалар бўйича суд буйруғи бериш рад этилган.

Жумладан, А.Икромов тумани Давлат солиқ инспекцияси ҳўжалик судига мурожаат қилиб, қарздор — «Тошметрокурилиш» трестининг 2-сонли тоннел отрядининг солиқлар, йиғимлар ва давлат бюджетига бошқа мажбурий тўловлар юзасидан боқимандасини ундириши унинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида суд буйруғи беришни сўра-

ган. Бироқ, тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар ўрганилганда ариза Ўзбекистон Республикаси Ҳўжалик процессуал кодексининг 23-моддаси талабларига жавоб бермаслиги аниқланган, яъни 2-сонли тоннел қурилиш отряди юридик шахс мақомига эга бўлмай, солиқ инспекцияси ариза тақдим этишда жавобгар сифатида «Тошметрокурилиш» трестини ҳам кўрсатиб унга ҳам аризанинг нуҳасини тақдим қилиши лозим эди. Оқибатда эса Ўзбекистон Республикаси Ҳўжалик процессуал кодексининг 107-моддаси, 3-бандига қўра аризани қабул қилиш рад этилган.

ҳисобчилари маъмурий жавобгарликка тортилиб, улардан 2 миллион 14 минг сўм жарима ундириш тўғрисида қарорлар қабул қилинган, 93 та (2003 йилнинг биринчи ярмида 66 та) мансабдор шахслар эса мулкий жавобгарликка, 50 таси (2003 йилнинг биринчи ярмида 65 та) интизомий жавобгарликка тортилган. Жами бўлиб Фармон бўйича 301 та (2003 йилнинг биринчи ярмида 265 та) суд ҳўжатлари чиқарилган. Бундан ташқари қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш, бундай ҳолатларни бартараф этиш борасида тегишли идораларга 115 та (2003 йилнинг биринчи ярмида 125 та) ҳусусий ажрим ва хабарномалар юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган Фармони талаблари бўйича қўлланилган маъмурий, интизомий, моддий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги суд ҳўжатларининг 225 таси бўйича ёки 72,6 фоизи юзасидан (2003 йилда 229 таси ёки 86,4 фоиз) ижро тўлиқ таъминланди.

— Ҳўжалик суди судьялари аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ишларига қандай ҳисса қўшишмоқда?

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳма-сининг қарорларига мувофиқ шаҳар ҳўжалик суди судьялари ва мутахассислари ҳам аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонунлар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорларини тушунтириш ишларида фаол иштирок этиб келмоқдалар. Судимизнинг судья ва мутахассислари ҳисобот даврида Республика оммавий ахборот воситаларида 98 та, жумладан радио-да 27 та ва телевидениеда 25 та ҳуқуқий мавзулардаги кўрсатувлар ва эшиттиришларда қатнашди, газеталарда 18 та ва журналларда 27 та мақо-лалар билан чиқдилар. Ушбу мақола-ларда ҳам Республикаимизнинг қонунчилиги ривожланиши йўлида хизмат қилувчи амалий тақлифлар берилган.

Бундан ташқари, шаҳар ҳўжалик суди ходимлари 2004 йилнинг биринчи ярми давомида Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон Республикаси Миллий университет, Тошкент Давлат юридик институти, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжа-лик судининг «Ҳўжалик ҳуқуқи» ўқув маркази ва бошқа ўқув даргоҳларида ҳуқуқнинг турли соҳалари бўйича (Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат, тадбиркорлик ҳуқуқи, ҳўжалик ҳуқуқи, ҳўжалик процессуал ҳуқуқи каби) тингловчиларга, талабаларга, тадбиркорларга, корхона ва ташкилотлар раҳбарларига маърузалар ўқиб, амалий машғулотлар ўтказишди.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судида фаолият олиб бораётган 3 та фан номзоди (судьялар) ҳамда тахрибали мутахассислар ҳуқуқий тарбияотнинг бир қўрилиши бўлган илмий ва педагогик фаолият йўналиши бўйича ҳам бир қанча ишларни амалга оширганлар. Судьялар томонидан корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳамда тадбиркорлар ўртасида ҳуқуқий мавзуларда 730 та маъруза ва суҳбатлар ўтказилди.

Корхона ва ташкилотларда сайёр суд мажлисларини ўтказиш — биринчида, қонун бузилишларини олдини олишга, иккинчида, ҳўжалик низолари сонини камайтиришга, қаратилган омишлардан бири эканлиги барча суд ходимларининг диққат марказида бўлгани ҳолда 2004 йилнинг биринчи ярми давомида қўриб чиқилган жами ишлардан 990 та ишлар даъвогар ёки жавобгар ташкилотлар жамоа аъзолари иштирокида сайёр суд мажлисларида қўриб чиқилди.

Республикаимизнинг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш борасида суд ходимларининг малакасини ошириш, уларни аттестациялардан ўтказиш, судьяликка номзодларни талаб олиш ҳамда уларни жой-жойига қўйиш ишлари ҳам шаҳар ҳўжалик суди раҳбариятининг диққат марказида бўлгани ҳолда бу ишларнинг ижобий натижа-си сифатида суднинг мутахассиси А.Мақсудов Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармойишига қўра Фаргона вилояти ҳўжалик судининг судьяси лавозимига тайинланган, судья М.Хасанбо-ев эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил апрелда бўлиб ўтган сессиясида Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьяси лавозимига сайланди.

— Мароқли суҳбат учун ташаккур. Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.

Шарқ дурдоналари

03-03 ҲУНАНИЙ
ДОМО БУЛАД...

● Кулар юзли, хушхулкли, хушмуомалали одам андиша ва фаросат эгаси бўлади. Шундай гўзал сифатларга эга бўлган, лекин ўқимаган одам билан ҳамсухбат бўлиш — ёмон хулқли, кўрс бир олим билан ҳамсухбат бўлишдан яхшироқдир. Бир фозилдан: «Қайси фазилат энг яхши фазилат саналади?» деб сўрадилар. Фозил: «Кулар юзли, ширин сўзли, хушмуомалали бўлиш», — деб жавоб берди.

Барча ишдан хулқи хуш яхши эрур, Хулқи хуш одамни эл иззат қилур.

● Ақл-хуш эгаси бўлган одам халқ билан дўстона яшайди. Халқ билан чиқишмаган одам роҳат юзини кўра олмайди.

Кимки эл бирла мурса қилмади, Умининг ширинлигин ул билмади.

● Ўзидан катта, тажрибали, билимдон кишилар билан масала қилмай иш бошлаган одам, у ишдан манфаат кўрмайди.

Қилма ҳаргиз ўз муродинг бирла иш, Ул муродин-ла пушаймон бор эмиш.

● Ғаразли ва хушомадгўй одамнинг суҳбати ва ошнолигига ишонма, унинг дўстлигига эътибор берма, чунки хушомадгўй одам ўз муродини ҳосил қилгандан кейин сендан узоқлашади, сен билан суҳбатдош бўлишдан ва ошноликдан юз ўгиради.

Қарға фароғат ила тутса чаман ичра мақом, Қарға бўлиб қолур, аммо сира ҳам

бўлбўл бўлмас.

● Ошноларга манфаат етказмасдан улардан манфаат кутиш, ерга уруғ сеппасдан туриб, дон олишни тама қилиш каби маъносиздир.

Киши ёндирмайин суҳбатда шамни, Ёруғликининг нишонани кўролмас.

● Сўқот ҳақимдан: — Сиз жуда кам қайғурасиз-у, кўпроқ шодёнададиз, бунинг сабаби нима? — деб сўрадилар.

Сўқот шундай жавоб берди: — Агар қўлимдан келса ғам-ғусса келтирадиган нарсаларни кўнгул қўймайман, ҳуда-беҳуда нарсаларни кайғуриб ўтирмайман. Шунинг учун шодлигим қайғумдан кўра кўпроқ бўлади.

● Икки нарса, яъни шижоат ва матонат инсонга ҳар ишда муваффақият бахш этади. Шижоат — ботириқ, мардлик билан ишга киришиш, матонат эса бардошлилик, мустаҳкам ва қатъий иродали, деган сўздир. Бу хислатларга эга бўлган киши бахт-саодатга эришади.

Кимки шижоат ҳам матонат йўлга қўйса қадам,

Ишлари топгай ривожу, эл қошида муҳтарам.

● Уч нарса инсонга жуда зарур: қахру ғазаб вақтида ўзни тутта билиш, бошга қулфат тушганда бетокат бўлмай сабр қилиш ва ҳайрли ишларга шошилиш.

Ҳар кишига бахту иқбол бўлса ёр, Хайру эҳсон бирла бўлган номдор.

Узоқ муддатли жазо муддати ҳам Ҳуломни тўғри йўлга бошлаб олмади. У озодликка чиққан яна олдинги ҳунарини давом эттирди. Пул топиш, осонликча бойиб кетиш илми унинг нафсини қитқиллаб бошлади...

Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Лабзак» меҳмонхонаси. Ҳуломнинг ушбу меҳмонхонага жойлашганига 2 кун бўлган. Ёнидаги хоналарнинг калитидан нусха кўчириб олган Ҳулом соат 13-00 ларда 601-хонада ҳеч ким йўқлигига тўла ишонч ҳосил қилган, хона эшигига калит солиб бўрай бошлади. Эшик очилди. У ичкарига қара солиб, ҳамма жойларни титқилай кетди. Ҳуломнинг кўзи диван устида турган дипломатга тушди. Унинг ичиди 250.000 сўмдан ошқ пул бор экан. Ҳулом пуллари олиб, меҳмонхонани бутунлай тарк этди.

Тахминан икки соатлардан сўнг 601-хонага жойлашган П.Урол қайтиб келиб эшикни очмоқчи бўлди. Лекин эшик очқ дипломатга эса пул йўқ эди. Урол «нима бўлса бўлди» деб ушбу ўғрилик ҳақида ҳеч кимга хабар бермай Қашқадарёга қайтиб кетди.

Ҳулом 250.000 сўм пулни қарзликка тўлади. Яна бошқа камчиликларини тўғрилашда, навбатдаги «операция»га киришди. Энди у Мирзо Улугбек туманидаги «Саёҳат» меҳмонхонасига жойлашиб олди. Нусха кўчирган калит ёрдамида 310-хонанинг эшигини очиб у ердан ҳам жами 554.000 сўмлик кийим-кечаклар ва бошқа буюмларни «ғумдон» қилди.

Хайвонот боғига айланиш учун

кетган 310-хона эгаси бухорилик Й.Ориф хотини ва ўғли билан қайтиб келиб хонага кирганида де-раза очиб, лекин ҳеч қарғага зарар етказилмаганини кўрди. У дарҳол сумкаларини текшириб кўрди. Афсус, 554.000 сўмлик

Кореядан қайтиб келган меҳмонхона директори Жун Чанга менежер Валентина телевизор пулти билан ўғирлагани, хона эшиги бузилмасдан очилганини ва ҳеч нарсасига зарар етказилмаганини айтади. Улар ҳай-

Жиноятга жазо мукаффар

«КЎЗА» КУНИДА
СИНДИ

У ҳар сафар ўз «операция»сини амалга ошириш олдин меҳмонхонадан номер оларди. Жойлашиб олгандан сўнг нусха кўчирган калитлар ёрдамида ҳеч ким йўқ бўлган номердан пул ва бошқа нарсаларни олиб кетарди. У шу тариқа бешта меҳмонхонадан катта миқдордаги пул ва қимматбаҳо буюмларни ўғирлаган.

кийим-кечак ва бошқа моллар йўқ. Ориф бир кун олдин Корея Республикасидан қайтиб келган бўлиб, аэропортда уни хотини ва ўғли кутиб олган эди. Улар нима қилишларини билмай ҳайрон қолишди ва «қўл силтаганча» уларига равона бўлишди. Ҳулом эса ўғирланган нарсаларни сотиб, иш силлиқ кечаётганидан хурсанд эди. Энди у бошқа меҳмонхонага йўл олди.

Миробой туманидаги «Кориона» меҳмонхонаси. Ҳулом нусха кўчирган калит ёрдамида 604-хонанинг эшигини очди. У ерда Ҳуломга «ДЭУ» рангли телевизорни олиб кетиш маъқул тушди. Телевизорни кўтариб олган Ҳулом билдирмасдан меҳмонхонадан жўнади. Бу сафар ҳам уни ҳеч ким кўрмади.

рон бўлишди, ўйлаб кўришди ва кимдан гумон қилишни билмай «меҳмонхонада ишловчилардан биронтаси ўғирлаган бўлса керак», дея ички ишлар ходимларига мурожаат қилишмади.

Ҳулом тўртинчи мартаба Юнособ туманидаги «Кооператор» меҳмонхонасининг 314-хонасидан А.Галькинага тегишли бўлган 1.250 АҚШ доллари яширин равишда ўғирлаб кетди.

Бу гал ҳам унинг омади чопадди. Ҳеч ким унинг ўғирлигидан хабар топмади. Жабранувчи А.Галькина эса бу ҳақда милицияга хабар бермади.

Мўмай даромаддан эсанкираб қолган Ҳуломбой ўз нафсини жиялавлан олмай қолди. У жиноий ҳаракатларини давом эттириб, бешинчи бор А.Икромов тумани-

да жойлашган «Бахт» меҳмонхонасининг 203-хонасидан 400.000 сўм пулни яширин равишда ўғирлаб кетди. Ушбу пуллар меҳмонхона бош ҳисобчиси Тўлқин Арзиевга тегишли эди. Т.Арзиев ва меҳмонхона раҳбари ўғирликдан воқиф бўлишгач миллиярга хабар бермаслигини афзал билдилар. Чунки Т.Арзиевнинг ўғли ушбу хонада компьютердан фойдаланиб турар, агар ички ишлар ходимларига мурожаат қилинса шубҳа биринчи навбатда унинг ўғлига тушиши мумкин эди.

«Кўза» кунда эмас, кунда синди» деганларидек мазкур жиноятнинг бир куни барибир ошқор бўлиши тайин эди. Охириги жиноий ишнинг амалга ошириб йўлда кетаётган Ҳуломни ички ишлар ходимлари текшириб кўришганда унинг ёнидан кўп миқдорда пул ва 17 донга ҳар хил калитлар топилган. Тергов жараёнида эса юқоридаги бешта ҳолатдаги ўғирлик жинояти фош этилган.

Кўриб турганингиздек содир этилган мана шу жиноятларнинг келиб чиқишига қайсидир маънода атрофдагилар, Ҳуломнинг қариндош-уруғлари-ю ва албатта жабранувчилар ҳам айбдор. Чунки дастлабки ўғирлик ҳақида ички ишлар ходимларига хабар берилганда кейингилари юз бермас эдимиз?

Юсуф МУСАЕВ,
Ўзбекистон
Республикаси Бош
прокуратураси
бошқарма прокурори,
Сарвар СОБИРОВ
журналист.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган қуйидаги автомобилотранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади.

2004 йил 13 август кунда қуйидаги автомобилотранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади.

1. "Нексия-DOHC" автомобили, 2003йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 3 000 000 сўм;
2. "Нексия" автомобили, 1997йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 S 08-50, бошланғич нархи 3 500 000 сўм;

2004 йил 14 сентябрь кунда қуйидаги автомобилотранспорт воситалари ким ошди савдоси ўтказилади.

1. "Ссанг Енг Муссо" автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси M 26-81, бошланғич нархи 7 200 000 сўм, техник носоз;
2. "БМВ-520" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси D 23-32 B, бошланғич нархи 4 480 000сўм;

3. "Маз-5423" юк автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 583, бошланғич нархи 12 960 000 сўм, техник носоз;

4. "Маз-5423" юк автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 479, бошланғич нархи 12 960 000 сўм, техник носоз;

5. "Тойота- Руннер" автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 228, бошланғич нархи 5 000 000 сўм, техник носоз;

6. "Нексия" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 236, бошланғич нархи 5 854 057 сўм;

7. "Газ-31029" автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 323, бошланғич нархи 1248 653 сўм;

8. "Газ-31029" автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 558, бошланғич нархи 967 500 сўм, техник носоз;

9. "Газ-31029" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 А 98-34, бошланғич нархи 750 000 сўм;

10. "Ваз-2107" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 М 7554, бошланғич нархи 1800 000 сўм;

11. "Ваз-2108" автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 F 93-33, бошланғич нархи 1 000 000 сўм, техник носоз;

12. "Газ-2401" автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 L 64-05, бошланғич нархи 350 000 сўм, техник носоз;

13. "Газ-2411" автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 11 R 39-24, бошланғич нархи 450 000 сўм, техник носоз;

14. "Ваз-21063" автомобили, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 J 51 44, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;

15. "Мос-412" автомобили, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси У 55-53ТН, бошланғич нархи 100 000 сўм, техник носоз;

16. "Опель-Кадет" автомобили, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 N 68-39, бошланғич нархи 4 000 000 сўм, техник носоз;

17. "Камаз-53202" юк автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 АО 250, бошланғич нархи 4 000 000 сўм;

18. "ММЗ-4502" юк автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10 АГ 602, бошланғич нархи 330 000 сўм, техник носоз.

Ким ошди савдоси соат 16.00да бўлади.

2004 йил 24 август кунда қуйидаги автомобилотранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади.

1. ГАЗ 31029 автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10G 2892, бошланғич нархи 2.835.000 сўм;

2. "Хундай Соната" автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 J 30-18, бошланғич нархи 1 000 000 сўм,техник носоз;

Ким ошди савдолари соат 16-00да бошланади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ким ошди савдоси эълон қилинган-дан 3 кун аввал тўхтатилади.

Ким ошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими хизматиди ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси 3-уй, 2-қават.

Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.

“ИШЛАБ ТОП!”

Жаноб тадбиркорлар ва мухтарам корхона раҳбарлари!
Биз навиқдор, ишқорлар, таърифта ўта раҳбарим. Бизга фақат таърифта ва сўзларимиз ёрдамида таърифта берилганларимиз вақти келсин. Чунки бу — ишқорларимизнинг алоҳид буюми ҳисоб қилинади.



TASHKENT SHAHAR BO'IMI

Тошкент шаҳар «КАМОЛОТ» тадбиркорларга «Ишлаб топ!» ишқоримизни таърифта беришга кўмак қилиб, бешта ушбу маълумот ишқорларини таърифта олишга тасдиқ қилади.

Қўшимча маълумотларини

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишнинг мумкин.
Биз ушбу вебсайтлардан оқини ҳаққидоги алоқорига эга бўлишнинг мумкин:

www.tashkentkamolot.uz
www.2oxygen.com
www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тадбиркорларга «Тошкент» нашриёт унинг барча нашрларига рекламалар жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА

ЭЪЛОНЛАР ШАНБА ВА ЯКШАНБАДАН

ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.30 ГАЧА

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАЪЛУМОТЛАР УЧУН

ТЕЛЕФОН:

133-28-95.ФАКС:
(3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ:
МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ,
32-УЙ, 2-ҚАВАТ,
204-ХОНА.

Спорт

«ПАХТАКОР-79»
МУСОБАҚАСИ
ЯКУНЛАНДИ

Маълумки, бугун «Пахтакор-79» футбол жамоасининг авиация ҳалокатига учраганига роппа-роса 25 йил тўлди. Ўйлаймизки, футбол мухлислари ушбу жамоада тўп сурган чарм тўп усталарининг номлари ва бетакорро маҳоратини асло унуттишмайди.

Қувонарли томони шундаки, самога сочилган юлдузларимизни ёд этган ҳолда ҳар йили «Пахтакор-79» хотира-турнирларини ўтказиш яхши анъана тусига кирди. Бу йил эса шахримизда уюштирилган мусобақага МДХ давлатларининг ёш футболчилари жалб этилди. Яъни турнирда «А» ва «В» гуруҳларига бўлинган ҳолда Беларус, Қирғизистон, Туркменистон, Ўзбекистон-2, «Пахтакор-1», «Пахтакор-2», Цесна (Алматы) жамоалари голибни аниқлаш мақсадида ўзаро куч синашишди.

Барча жамоалар учтадан ўйин ўтказишди ва улар натижасига кўра гуруҳда 1-ўринни эгаллаганлар финал баҳсига йўлланма олишган бўлса, 2-ўрин соҳиблари учинчи ўрин учун кураш олиб боришди.

Шундай қилиб чиройли ўйин кўрсатган ва рақибларини доғда қолдириб биринчи ўринларни эгаллаган Ўзбекистон-2 ва Беларус жамоалари финал учрашувида голибни аниқлаш мақсадида тўп суришди.

«Пахтакор» марказий стадионида ўтказилган ҳал қилувчи беллашув рақиблар кучи тенг эканлиги сабабли нихотда кескин ва мурасиз кечди.

Асосий ва қўшимча вақт 1:1 ҳисобидаги дуранг натижа билан тугаганлиги сабабли ўн бир метрли чизиқдан зарбалар серияси белгиланди. Ана шу «лотерея» баҳсида Беларус футболчилари кучлироқ эканликлари нисбатлашди ва 4:1 ҳисобида ғалаба қозонган ҳолда «Пахтакор-79» турнирда зафар қучишди.

Учинчи ўрин учун кечган учрашувда Қирғизистон ёшлари Алматининг «Цесна» жамоасига йирик 3:0 ҳисобида ўтказиб қўйди.

Хотира мусобақаларида Ўзбекистон-1 ва Республика олимпия заҳиралари коллежи жамоалари танловдан ташқари иштирок этишди.

(Ўз мухбиримиз)


Футболчимиз келажаги

ЭНГ КУЧЛИ ЖАМОАЛАР
ШОҲСУПА ТҮРИДА

Қачонки спортда ёшлиқдан шугулланиб, маҳорат сирларини ўрганиб борилсагина келгусида юрт шарафини дунёга танитувчи улкан спортчилар етишиб чиқади. Ёш иқтидорларни кашф этиш борасида эса оммавий спортнинг роли каттадир.

Халқаро футбол федерацияси — ФИФА рейтингини бўйича миллий тер-

шарт-шароитлар ётибди. «Футболчимиз келажаги» турнири ўйинларини куза-



ма жамоамиз Осиё ўйинларида муваффақиятли қатнашуви боис Ўз тарихида энг юқори — 51-ўринга кўтарилиди. Бундай муваффақиятлар замирида ҳам болалар футболни ривожлантириш юзасидан республикада амалга оширилаётган саёй-ҳаракатлар, яратилаётган

ган Чилонзор туманидаги «Гулистон» ва Собир Раҳимов туманидаги «Ҳофиз Кўҳакий» маҳаллалари жамоалари майдонга тушди.

Ўйиндан олдин биз «Ҳофиз Кўҳакий» маҳалласи оқсоқоли Абдулазиз Ибрагимхўжаевни суҳбатга тортидик.

— Кейинги пайтларда



туманимиздаги 25 та маҳаллада спорт майдончалари бунёд этилди, — дейди Абдулазиз ака. — Бошқа маҳаллаларда ҳам шундай қурилиш ишлари кетмоқда. Бу албатта келажада ўз мевасини бермай қўймайди.

«Футболчимиз келажаги» мусобақалари хусусида тўхталадиган бўлсам, аввало кўчама-кўча ўйинлар ташкил этиб, энг чаққон ва кучли болаларни танлаб олдик. Болажонларимизга эса маҳалла посбони Фахриддин Пардаев мураббийлик қилиб, турнирга тайёрлади. Машгулотларни ўз спорт майдончамиз ва «Жар» спорт-соғломлаштириш марказида ўтказдик. Ёш футболчиларимизга етарли шарт-шароитлар яратилганлиги туфайли финалга қадар ўтказилган ўн ўйиннинг бирортасида ҳам мағлубият аламини тотмасдан, ўз дарвозамиздан атиги битта тўп ўтказиб юбордик...

Дарҳақиқат, финал ўйинида ҳам «Ҳофиз Кўҳакий» маҳалласининг ёш футболчилари ҳужумкор ва

чиройли ўйин кўрсатиб, ўз мухлисларини хушнуд этишди. Натижада эса 3:1 ҳисобида ғалаба қозониб шаҳар босқичида зафар қучдилар. Жамоанинг Нурриддин Ғуломов, Аълохон Мамадхонов, Дониёр Саидвалиев, Шавкат Ражабов каби моҳир ўйинчилари айнқс ғалабага салмоқли ҳисса қўишди.

Шу ёш тоифасида учинчи ва тўртинчи ўринлар Мировоб туманидаги «Билимдон» ва Ҳамза туманидаги «Мустақилликнинг 10 йиллиги» маҳаллалари жамоаларига насиб этди.

Ғолибларга кўчма Кубок, медаль ва эсдалик совғалари топширилди.

«Ҳофиз Кўҳакий» маҳалла жамоаси Республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Даврон ИСМАТОВ
СУРАТЛАРДА: финал баҳсидан лавҳалар; турнир голиби — «Ҳофиз Кўҳакий» маҳалласи жамоаси

Ҳақимжон Солиҳов ва Шавкат Зулфиқоров олган суратлар.

Хотира қўгонса қўзандир

ҲАМОН СЕНИ СОҒИНАМИЗ

Қуни кечагина Хитойда футбол бўйича қитъа биринчилиги мусобақалари якунига етди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси чорак финалда баҳрайилчиларга пенальтилар серияси бўйича имкониятни бой берган бўлсада, футболчиларимизнинг бу сафарги ўйинларидан мутахассислару мухлисларнинг кўнгли тўлди. Бироқ...

Қитъа чемпионатини кузатар эканмиз, беихтиёр кўз олдимизда «Пахтакор-79» жамоаси аъзолари сиймоси гавдаланаверди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Чунки 1979 йилнинг 11 августида авиаҳалокат туфайли ҳаётдан кўз юмган «Пахтакор-79» футболчилари ўз даврида Осиёнинг мана-ман деган жамоаларини ҳам доғда қолдирган, Европанинг донгдор клублари билан тенгма-тенг ўйнаган эди. Албатта, биз бу фикримиз билан ҳозирги футболчиларимизни, хусусан терма жамоамиз аъзоларини танқид қилиш фикридан йироқмиз. Аввало, аста-секинлик билан бўлсада, мамлакатимизда футбол ривожланмоқда, ёшлар орасида оммалашмоқда. Аммо, тан олиш жоиз, айни кунларда Михаил Ан, Владимир Фёдоров, Александр Карчёнов, Олим Аширов, Равил Агишев, Виктор Чуркин, Константин Баканов, Сергей Покатилов, Юрий Загуменних каби марҳум фут-

болчиларимизнинг ўрни билинапти. Маҳорат ва тажриба бобида ҳозирги чарм тўп усталарига намуна бўлишга ҳақли «Пахтакор-79» жамоаси аъзолари ҳаёт бўлганларида, футболчимиз бугундан-да юксакроқ чўққиларга кўтарила оларди. Чунки, юқорида номлари ёдга олинган самога сочилган юлдузларимиз олий, биринчи, иккинчи лига жамоалари ёки футбол мактабларида мураббий сифатида ёшларга ўз маҳоратлари сирларини ўргатар эдилар. Балки, ҳозирда қитъа чемпионлигини қўлга киритган япониялик чарм тўп усталари ўрнида Ўзбекистон терма жамоаси Осиёда тенгсиз дея эътироф этиларди.

Насиб қилса, Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионатининг саралаш баҳсларида муваффақиятли иштирок этади ва «Пахтакор-79» жамоасини ҳамон соғинадиган ўзбек мухлислари кўнглини шод этади.

Аъзам ЁДГОРОВ

Аввал хабар берганимиздек, ёшлар ўртасида Малайзияда ўтказиладиган Осиё чемпионатида қизгин ҳозирлик қўраётган Рауф Инилеев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Малайзия ёшлар терма жамоаси билан Тошкентда иккинчи ўртоқлик учрашувида ўзаро куч синашди.

ЙИРИК
ҲИСОБДАГИ
ҒАЛАБА

Шуни тан олиб таъкиллаш жоизки, мамлакатимизда футболни ривожлантириш ва ёшлар ўртасида оммалаштириш борасида қилинаётган ислохотлар ўз самарасини бера бошлади. Бунинг ёшларимизнинг малайзиялик тенгқурларига қарши кечган учрашувида ҳам аққол сезиш мумкин. Дастлабки учрашувда 3:1 ҳисобида ғалаба қозонган ўзбекистонликлар иккинчи беллашувни ҳам кўтаринки руҳда ўтказишди.

Майдонда тўпни кўпроқ олиб юриш, бир-бирига аниқ узатиш, тезкор ҳужум уюштириш борасида меҳмонлардан тўлиқ устунлик қилган Рауф Инилеев шогирдлари рақиб дарвозасига 90 дақиқа мобайнида учта жавобсиз тўп йўллашди. Мухлисларга завқ бағишлаган голларни футболчилардан Жасур Бобоев ҳамда Довуд Жалдов (2 та) лар киритишга муваффақ бўлишди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Буюртма Г-909.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма таъриф, офсет усулида
босилди.
2812 нусxada босилди. Қўғоғи бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чақади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашири етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги
почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти»га — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишнииз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
миракзида терилиш ва сақланилади.

«Шарқ» нашрий-матбос акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Тўро» кўчаси, 41-уй.